

Собик Иттифок даврида динга карши кураш олиб бориш учун тузилган оммавий жамият. Унинг тарихи 1922-23 йилларда Худосизлар тугаракларидан бошланади.

Шулар заминида 1924 й. Москвада “Безбожник” (Худосиз) газетасининг дўстлари жамияти ташкил этилган. 1925 йил апрелида жамиятнинг биринчи Бутун иттифок сеъездида Худосизлар иттифоки тузилган. Худосизларнинг иккинчи Бутун иттифок сеъезидан (1929 й. Июнь) бошлаб “Курашчан Худосизлар иттифоки” деб атала бошланган. Бу иттифокнинг юкори органи Бутун иттифок сеъездида сайлаб кўюлувчи марказий кенгаш бўлган. У муассалар, ташкилотлар, ўқув юртлари, колхозлар, харбий кисмларда куйи ташкилотлар тузиб, улар оркали кундалик атеистик ташвикот юритган. Курашчан Худосизлар иттифоки ўша даврдаги барча иттифокдош республикаларда ҳам тузилган. Жумладан, 1925 йил ноябрда Ўзбекистонда Худосизларнинг республика сеъезди чакирилиб, унда Ўзбекистон Худосизлар иттифоки таъсис этилди. 1928 йилнинг сентябр-октябрида Худосизлар конференциялари ўтказилди. Курашчан Худосизлар иттифокининг иккинчи сеъезидан сўнг Ўзбекистонда диний идеологияга карши кураш янада кучайтирилди. 1929 йили Тошкентда динга карши таргибот музейи очилди, кишлок чойхоналарида атеистик бурчаклар ташкил этилди. Ўзбекистонда Курашчан Худосизлар иттифокининг 1928 йилдан “Худосизлар” журнали, 1939 йилдан “Худосиз” газетаси чикарилган.